Ватани севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 6 декабрь, сешанба | №178 (21.753) | Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ БУДАПЕШТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХҲКга аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иштирок этиш учун Венгриянинг Будапешт шаҳрига жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон билан ЕХҲК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини, Ўзбекистон раҳбарияти ЕХҲК ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаб келаётганини қайд этди.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кузатиб қолди.

(ЎзА).

КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛМОҚДА

БУДАПЕШТ, 5 декабрь. ЎзА махсус мухбири Лев Левин телефон орқали хабар қилади:

Венгрия пойтахтида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши конференциясига тўпланган давлат бошлиқлари бугун "Патриа Холл" саройида иш бошладилар. Бу галги анжуман кенгаш тарихидаги энг йирик анжуманлардан ҳисобланади — унда эллликдан ортиқ мамлакат бошлиқлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Венгрия пойтахтидаги биринчи иш куни жуда барвақт бошланди. Юртбошимиз конференция расмий равишда очилгунига қадар "Марриот" боғоҳида ЕХҲК Будапешт конференциясида иштирок этиш учун келган давлат раҳбарлари билан бир қанча учрашув ва суҳбатлар ўтказди.

Конференция кун тартибига Европа ва Евросиё муаммоларини ҳал қилиш, қитъада ва бутун жаҳон ҳамжамиятида бу нуфузли ташкилотнинг тинчлик ўрнатишга доир ҳаракатларини кучайтириш билан боғлиқ масалалар киритилган. Будапештдаги учрашувга барча етакчи давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг бошлиқлари, замонамизнинг таниқли сиёсатчилари келишган. Уларнинг сўзи ва амалга ошираётган ишлари кўп жиҳатдан ҳозирги нотинч дунёдаги вазиятни белгилаб беради. Билл Клинтон, Франсуа Миттеран, Жон Мейжор, Бутрос Ғолий, Борис Ельцин, Гельмут Коль ва бошқалар шулар жумласидандир.

Эрталабки мажлисда учрашув иштирокчилари ҳузурида АҚШ Президенти Билл Клинтон, Россия Президенти Борис Ельцин сўзга чиқиб, кенгаш кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз мамлакатлари тутган йўлни қисқа баён қилиб беришди.

Конференцияда қатъий иш тартиби белгиланган: ҳар бир нотиққа ўн икки дақиқагина ажратилган.

Ислом Каримовнинг нутқи куннинг иккинчи ярмига мўлжалланган. Унинг нутқи катта қизиқиш билан кутилмоқда — Ўзбекистон раҳбарининг ўзига хос фикр юритиши ва сиёсий қарашларининг кенглиги, тутган йўлининг қатъийлиги, у киритадиган таклиф ва ташаббусларнинг амалий ҳамда сермазмун бўлиши эндиликда бутун дунёга маълум.

Будапешт учрашувида бугун уч ядродор давлат — АҚШ, Россия ва Буюк Британия раҳбарлари Украина, Беларусь ва Қозоғистон хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги меморандумни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун мукофотлансин:

"МУСТАҚИЛЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) — халқ ёзувчиси, (марҳум).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан энг яхши ижодий ишлар учун 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

Тоғай Мурод (Тоғай Менгноров)га — "Отамдан қолган далалар" романи учун;

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК СОҲАСИДА

Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовга — Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур ҳайкали учун;

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

Лутфулла Абдуллаевга — "Замондошларим" мавзуидаги ранг-тасвир асарлари ҳамда атоқли ўзбек адиблари китобларига ишланган расмлар туркуми учун;

Алишер Мирзаевга — Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романига бағишланган суратлар альбоми ва сўнгги йилларда яратилган энг яхши ранг-тасвир асарлари учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 декабрь.

МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЁРҚИН НАМОЯНДАСИ

Мамлакатимизда улуғ адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра "Мустақиллик" ордени билан биринчи бўлиб Абдулла Қодирий мукофотланди. Биз ана шу хусусда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан суҳбатлашдик.

— Аввало, ҳар бир давлатнинг энг юксак нишони бўлгани сингари, "Мустақиллик" Ўзбекистонимизнинг олиймақом орденидир. Инчунун, орденнинг номиёқ ҳамма гапни айтиб турибди. Шундай экан, бу энг юксак мукофот билан тақдирланадиганларнинг мақоми ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Шу маънода, истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи кунларида ушбу орденнинг маданият, умуман, мафкура соҳасининг буюк намояндаси бўлган Абдулла Қодирийдек улкан бир ёзувчимизга берилгани бежиз эмас. Бу — муҳим сиёсий воқеа. Чунки мустақиллик учун кураш кеча бошланган эмас. У — анчагина узоқ ва мушкул йўл ва бу йўлда қанчадан-қанча қурбонлар бериб келганмиз.

Асримизнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудида кўпдан-кўп мафкуравий, маданий кўтарилишлар юзага келди. Буларнинг ҳаммасининг ғоялари бир жойда, битта нуқтада туташади. Шу ўринда Дукчи эшон, Мунавваркори ёхуд йирик аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий, қолаверса, тарихда "Жадидчилар" дея ном олган маърифатчиларни саналашимиз мумкин. Уларнинг олға сурган бош ғояси, албатта, миллат равнақи ила боғлиқ эди. Яъни, миллатнинг озодлиги, мустақиллиги, миллий давлатчиликнинг тарафини олиш ва шунга кўра мустабид тузумга қарши бош кўтариш, бу йўлда халқнинг маданияти ва маърифатини юксалтириш. 20—30-йилларда адабиёт, мафкура майдонига Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улуғ сиймолар чиққанларки, бу зотлар "миллатчи" деган тамға остида йўқ қилинган. Ана шу оловли оқимнинг орасида Абдулла Қодирий сиймоси ёрқинлиги билан ажралиб туради. Шундай инсонлар, афсуслар бўлсинки, мустақиллик йўлида қурбон бўлиб кетди...

Ҳалқимиз уларнинг муборак номларини унутган эмас ва унутмайди ҳам. Юртбошимиз ҳар бир нутқида мана шу фидойи боболаримиз ҳақида гапириб келади. Бугун уларнинг орзу-армонлари юзага чиқди. Истиқлолдан баҳраманд авлодлар, албатта, бу йўлда ўзларини фидо қилган инсонларнинг хотирасини эслаши лозим. Шу боис, биринчи "Мустақиллик" орденининг Абдулла Қодирийга берилишини — юқорида номлари санаб ўтилган боболаримиз, озодлик йўлида қурбон бўлган жами аждодларимизни ҳам хотирлаш, уларга халқимиз ва давлатимизнинг жуда катта эҳтироми деб биламан.

— Абдулла ака, бир шеърингиздаги "Осон бўлган эмас Абдуллаларга" деган сатр беихтиёр ёдга тушади...

— Бир ақлдан шундай ярим мутойибали шеър ёзгандим. Лекин ўзимни шонли ададларим сафига қўя олмайман. Қолаверса, гап исмда ҳам эмас. Аммо, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор — бу боболаримизнинг тақдири ҳақиқатан ҳам осон кечмаган ва бизга ҳам осон бўлмаган. Нега? Қодирийлар даврида миллий истиқлол ғоя, орзу сифатида ўртага ташланган эди. Аждодларимиз бошларини гаровга қўйиб бўлса-да, ўзларини шу ғоя ташвиқотига бағишладилар. Бугунга келиб мустақиллик воқеликка айланди. Шундай экан, улар ташвиқот йўлида ҳаракат қилган бўлсалар, энди биз амалий ҳаракат қилишимиз керак. Яъни мустақилликни ички ва ташқи ҳужумлардан асраб қолишимиз ва янада мустаҳкамлашимиз зарур. Ватан, халқ манфаатлари бирлашган жойда ҳамжиҳатлик кўрсатишимиз лозим. Кўриб турибсизки, бизнинг авлод зиммасидаги вазифа ҳам енгил эмас.

Афсуслар бўлсинки, Абдулла Қодирийдек йирик ёзувчи ва миллатпарвар инсон эллик ёшга ҳам кирмай, ёш кетди. Ундан бир-биридан гўзал учта роману ўткир ҳажвиялар қолди. Мен хаёл қиламанки, агар унинг умрига зомин бўлмаганларида, Абдулла Қодирий Робиндранат Тагор сингари Шарқнинг сермаҳсул ижодкори бўлар эди ва миллатни юксакликка кўтариш учун ҳали яна қанча ҳисса қўшарди. Абдулла Қодирийга минг раҳмат, дейдиз. Қодирийдек зотларни ардоқлаш миллатнинг уйғоқлигидан, маданиятга эришганидан, ўзлиғини таниганидан, қисқаси, тараққиёт йўлига кирганидан дарак беради. Қодирий истеъдодини, билимини, ҳаракатини халқига бағишлади. У тарихий роман ёзаман, деб узлатга чекиниб ётмади, ҳаётга фаол аралашиб яшади, ижод қилди. Ўйлайманки, Абдулла Қодирий XX аснинг йирик ижодкори ва унга берилган "Мустақиллик" ордени адабиётимизнинг, адиблар, маърифат аҳлининг халққа қилган хизмати учун билдирилган миннатдорликдир.

Суҳбатдош: Ғулом МИРЗО (ЎзА).

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АБАДИЯТИ

Абдулла Қодирий XX асрда Ўзбекистон тарихида истиқлол учун фидокорона курашиб ва ўлмас асарлар яратиб, халқимизининг жўшқин меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган улуғ сиймодир. Шу асрдаги миллий маданиятимиз Абдулла Қодирий бошлаб берган адолатпарварлик ва инсонпарварлик анъаналари руҳида ривожланди. Айтиш мумкинки, халқимизнинг миллий онгини шакллантиришда ва истиқлол учун курашчилар сафини кенгайтиришда Абдулла Қодирий кўрсатган буюк жасорат, ижодий ва инсоний ибрат йиллар ўтган сари улкан аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасида таъсис этилган давлат мукофотлари Абдулла Қодирийнинг энг яхши анъаналарини ривожлантиришга, бугунги ижодкор зиёлиларнинг энг сара асарларини муносиб тақдирлаш мақсадларига хизмат қилади.

Ҳозир бутун Ўзбекистон Қодирий руҳи билан яшамоқда. Унинг ижоди ва ҳаёти барча авлодларга намуна бўлмоқда. Адибнинг юз йиллик юбилейи умумхалқ байрамига айланган кунларда яна бир қувончли ҳодиса юз берди. Адабиёт ва санъатимизнинг бир гуруҳ талантли вакиллари Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан биринчи марта Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Бу асарлар орасида истеъдодли ёш ҳайкалтарошлар — Илҳом Жабборов ва Камол Жабборов томонидан яратилган, Тошкент марказига ўрнатилган Амир Темур ҳайкали алоҳида аҳамиятга эгадир. Буюк тарихий сиймо образига ёрқин замонавий руҳ бағишлашда ёш ҳайкалтарошлар Президентимиз Ислом Каримов олдинга сурган ижодий ғояларга асосландилар. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан Тошкентга келган кишилар ҳам, чет эллик сайёҳлар ҳам бу ҳайкални катта мароқ билан томоша қиладилар. Мустамлака даврида улуғ тарихий шахсларимизга қўйилган ҳайкалларда истиқлол руҳи сезилмас эди. Мана энди Ўзбекистон истиқлолининг шарофати билан Амир Темур ҳайкали чинакам юксак санъат асари бўлиш билан бирга халқимизнинг миллий руҳига жуда мос тушмоқда.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романини ўқиган китобхонлар Юсуфбек хожининг Амир Темурни улуғ даҳо деб атаганини яхши эслайдилар. Қатағон йилларида романнинг мана шу сатрлари атайлаб ўчириб ташланган эди. Фақат истиқлол ғалабасидан сўнг романнинг Амир Темур ва Мирзо Бобур каби улуғ тарихий сиймоларимизга бағишланган сатрлари қайта тикланди ва тўлиқ нашр этилди. Амир Темур ҳайкалига Абдулла Қодирий мукофотининг берилиши "Ўтган кунлар" романининг энг кучли саҳифалари руҳига жуда муносиб келади.

Тоғай Муроднинг сўнгги йилларда китобхонлар томонидан катта бир адабий воқеа сифатида қутиб олинган "Отамдан қолган далалар" романи ҳам кучли истеъдод билан ёзилган ва чинакам ҳаққоний руҳи билан суғорилган асардир. Бу романда тарихимизнинг юз йилдан ортиқ даври уч авлод тақдири орқали ёрқин бадиий бўёқлар билан тасвир этилади. Тоғай Муроднинг ўзига хос такрорланмас услуби бор. Айни вақтда унинг асаридаги миллий руҳ Абдулла Қодирий ижодидаги миллий руҳнинг бугунги қундаги ривожини ўзида акс эттиради.

Тоғай Мурод ҳам, Илҳом ва Камол Жабборовлар ҳам ёш ижодкорлар даврасидан чиққан. Улар эришган муваффақиятлар адабиёт ва санъатимизнинг истиқболи порлоқ эканини кўрсатиб турибди. Уларнинг энг яхши асарларига Давлат мукофоти берилиши адабиёт ва санъатимиз равнақига давлатимиз томонидан кўрсатилган катта ғамхўрликнинг намунасидир.

Истиқлол даврида тасвирий санъатимиз ҳам гуркираб ривожланмоқда. Бу ҳол кекса авлодга мансуб бўлган машҳур рассом Лутфулла Абдуллаевнинг "Замондошларимиз" деб аталган ранг-тасвир асарларида кўзга яққол ташланади. Л. Абдуллаевнинг шогирдлари орасидан чиққан ва тасвирий санъатда миллий анъаналар билан бирга умуминсоний санъат ютуқларини ҳам яхши ўзлаштирган Алишер Мирзаев Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи асосида ажойиб суратлар чизди. Бу суратлар кўргазмаси юзлаб мутахассислар ва минглаб санъат муҳлислари томонидан яхши қутиб олинди. Шу билан бирга Алишер Мирзаевнинг ранг-тасвир асарлари ҳам нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ўтказилган кўргазмаларда катта муваффақият қозонди. Шуларнинг ҳаммаси муносиб тақдирланиб, Алишер Мирзаевга ҳам Абдулла Қодирий номли Давлат мукофоти берилди. Адабиёт ва санъатимизнинг юқорида номлари тилга олинган намояндаларининг Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиши бу ижодкорларнинг юз минглаб муҳлисларини қувонтириши шубҳасиздир.

Биз Абдулла Қодирийнинг табаррук номи билан аталган Давлат мукофоти совриндорларини чин дилдан табриклаймиз.

Ўйлаймизки, бу катта шарафнинг ўзига яраша улкан масъулияти ҳам бор. Абдулла Қодирий мукофотига сазовор бўлган ижодкор зиёлиларимиз келажакда янада ёрқин асарлар яратадилар. Халқимизнинг маънавий бойликлари хазинасини адабиёт ва санъат дурдоналари билан бойитадилар.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасида давлат мукофотлари қўмитасининг раиси.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов "Германия-Ўзбекистон" жамияти раиси Хайнц Шварц бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Бош вазир меҳмонларга Ўзбекистоннинг қадим ва бой маданияти тарихи, эгамен давлатимизнинг маънавий-маърифий қадриятларни тиклаш ҳамда бозор муносабатларини шакллантириш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида сўзлаб берди. Ўзбекистонда ўнлаб миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатаётгани ва бу мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг тинч-тотувлиги, ҳамжиҳатлиги йўлида муҳим омил бўлаётганини айтди. А. Муталов Ўзбекистон ва Германия халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик самарали иқтисодий ҳамкорликка замин бўлади, деб ишонч билдирди.

Хайнц Шварц "Германия-Ўзбекистон" жамияти билан Ўзбекистон маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик самарали натижалар бераётганини қайд этди. Жумладан, германияликларни мустақил Ўзбекистон билан яқиндан таништириш, икки халқ ўртасидаги алоқалар тарихини ўрганиш борасида талай ишлар амалга оширилганини айтди. У ўз мамлакатида чоп эттирган, Ўзбекистон ҳақида хикоя қилувчи биринчи ахборот-бюллетень Германия жамоатчилиги ва ишбилармонларида қизиқиш уйғотганини таъкидлади.

Қабул маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти кенгаши пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўрди. Собир Усмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Гулистон тумани ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Тоштемир Исмоилов Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси ва биринчи котиби этиб сайланди.

Шунингдек, Д. В. Тарасенко бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби ва ижроия бюроси аъзоси вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Жуманазар Матқурбонов вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. М. Жалолов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Б. Ҳасанов иштирок этди.

А. УМАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов яқинда Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича партиямиздан республика Олий Мажлисига депутатликка номзодлар билан учрашди.

Биринчи котиб кўппартиялилик асосида ўтажак сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, партиямизнинг ундаги иштироки, депутатликка номзодларимиз ҳамда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Тадбирларда тегишли шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг икки йиллигига

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ КАТТА ТАЯНЧИ

Ўзбекистоннинг янги Конституциясида жаҳон сиёсий айвонида янги демократик мамлакат пайдо бўлганлиги ва халқимизнинг истиқлолу озодлик, ижтимоий адолату инсонпарвар давлат яратиш борасидаги кўп асрлик орзулари рўёбга чиққанлигини кўриш мумкин. Ушбу қонунда давлатимизнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларидаги демократик йўналишлар, умуминсоний қадриятларга садоқати ҳамда инсон эркинлиги ва ҳуқуқларининг юридик жиҳатдан ҳимоялганлиги кўзгудаги каби ёрқин акс этиб турибди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, Республикани 160 дан ортиқ давлат тан олди. Ўзбекистон уларнинг кўпчилиги билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Халқаро ҳаётда тузум демократлигига унинг Асосий қонуни — Конституциясига қараб баҳо беришади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро жамоанинг маълум синовидан муваффақиятли ўтди. Эркинлик ва демократияга кенг йўл очилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишимиз ўзига хослигининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, республикада янги бошқарув тизимини яратишда янгисини тузмасдан олдин, мавжуд бўлган эски тизимини тугатишга киришилмади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деб номланган асарида аниқ асослаб берилган.

Бизда ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида собиқ иттифоқ таркибидаги давлатлар орасида биринчи бўлиб бошқарувнинг президентлик шакли жорий этилди. Бу ҳолат кейинчалик Ўзбекистоннинг асосий Қонунида ўз ифодасини топди. Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президентига ижроия ҳокимиятнинг кенг доирадаги ваколат ва функциялари берилган.

Ўзбекистонда Президент давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бевосита раҳбарлик қила бошлади. Президент давлат бошлиғи сифатида қонун ижод этиш фаолиятининг ижроия ҳокимиятини амалга ошириш билан уйғунлаштириб олиб бормоқда. Бу ҳолат олий ижроия ҳокимият тўғрисидаги давлат ҳуқуқида қабул қилинган эски тушунчани бутунлай ўзгартириб юборди. Бошқаришнинг президентлик шакли ва бу билан ижроия ҳокимиятни амалга оширишдаги ўзгаришлар Ўзбекистонда давр тақозоси билан амалга оширилди. Республикада Президентлик ҳокимияти ҳамма давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини бирлаштириб, йўналтириб туриши лозим. Ҳаётни ўзи давлат органларини беками-кўст, самарали фаолият олиб боришини, республика фуқароларининг ҳаётини, қадриятини ва мулкини, уларнинг ҳуқуқлари таъминлашини, интизом ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни амалга ошираоладиган кучли ижроия ҳокимиятнинг тартибига қўйган эди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ҳаётга татбиқ қилиш мураккаб жараён. Лекин шу жараён кундалик ҳаётда ўз аксини топяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилганлиги кўрсатилган.

15-моддада эса Конституция ва қонунларнинг устунлиги белгилаб қўйилган. Бу катта назарий аҳамиятга эга.

Конституция бўйича Ўзбекистонда халқ вакиллик органлари тизими Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларидан иборат.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг энг юқори бўғини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирса, вакиллик органларининг қуйи бўғинлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига таалуқли масалаларни ҳал қиладилар. Ўзбекистоннинг олдинги Конституцияларидан фарқли ўлароқ, вакиллик органларига ҳокимлар бошчилик қиладилар. Ҳокимларнинг давлат ҳокимиятини вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган махсус Низом билан тартибга солинади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг энг қуйи бўғинлари шаҳар, қишлоқ, овул Кенгашлари тугатилиб унинг ўрнига ўзини-ўзи бошқариш органлари таъсис этилди. Конституциянинг 105-моддасига кўра шу ҳудудлардаги фуқароларнинг йиғинлари ўзини -ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раиси (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикасида олдин қабул қилинган Конституцияларда Советлар сайлаб қўйилганликлари ва алмаштириб туриш мумкин бўлганлиги учун буржуа давлатларидаги бошқарув аппаратидан афзал томонлари белгиланган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, фақат сайлаб қўйишлик ва вақти-вақти билан таркибини ўзгартириб туриш давлат органининг демократлигини белгилаб бермайди. Маълумки, ўзгартириб тўладиган депутатлардан ташкил топган Советлардаги ижроия комитетлар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳоҳишини амалга ошириш қуроли бўлиб келдилар.

Ўзбекистоннинг олдинги Конституцияларидан фарқли ўлароқ республикада биринчи маротаба фақат назорат фаолияти билан шуғулланувчи махсус орган — Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси, кейинчалик республика Конституциявий суди таъсис этилди. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши уни дунёвий мазмун касб этиши ҳамда унинг ҳуқуқий давлатга айланиши шароитида республика Конституциявий суди алоҳида роль ўйнайди. Мазкур орган давлат фаолиятининг юқорида айтиб ўтилган махсус кўринишини — Конституцияни ва унинг асосида қабул қилинган қонунларни тўғри амалга оширилишини, Ўзбекистоннинг конституцион тизими асосларини муҳофаза қилиш мақсадида тузилган.

Ўзбекистоннинг қисқа тарихий давр мобайнида босиб ўтган йўли мамлакатнинг мустақиллик сари қўйган илк қадамлари, порлоқ келажак сари дадил интилиб бораётгани, дунёнинг бошқа давлатлари ўртасида тутган мавқеи, демократик тузум бунёд этишдаги интилишлари, ташқи ва ички сиёсатдаги амалий ишлари ўз самарасини бермоқда.

А. ТЎЛАГАНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.
У. АМИРОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Бор-йўғи бир йилдан сал кўпроқ муддат ичида Зарбдор туманидаги "Ниҳол" хўжалиги қолоқликдан чиқиб, илғорлар даражасига кўтарилди. Бу хўжалик кўп йиллар давомида сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослашганди. Шу билан бирга бу ерда мевали дарахт кўчатлари етиштирилаётир. Харажатлар бир йилнинг ўзидаёқ тўла қопланди. Келгуси йилда эса экин майдонлари кенгайтирилиб, ҳосилдорлик янада кўтарилади. Бу ерда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик корхона ишга туширилгани қувончли бўлди.

Суратда: кичик корхонанинг илғор ишчиси Яхшигул Холиқулова.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛК

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Осмонимиз мусаффо, еримиз саховатли, сувимиз зилол бўлсин!

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).

Талъат Пардаевич МУРОДОВ, 104-Боғишамол округи

Бола бошдан маълум деганлари рост экан.

Талъат ўқувчилик вақтида — 1974-1976 йилларда собиқ СССР кичик Фанлар академиясининг аъзоси, фан ва техника соҳасида Бутуниттифоқ комсомоли мукофоти соҳиби бўлган. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг еттита олтин медали билан мукофотланган.

Вилоят техника таъминоти бирлашмасида ишлаганида ҳам ўнлаб янгиликларга қўл урди. Иқтидорли мухандис барчанинг назарига тушди. Уни ёш, умидли мутахассис сифатида Москвадаги Циалковский номли авиация-технология институтига тажриба ўрганиш учун юборишади. Бироқ Талъат Афғонистонни танлади. Қуролдош дўстлари билан йигитлик бурчини адо этди. Ота-онасининг, ёру биродарларининг юзини ерга қаратмади. Ажал билан дуч келганда ҳам мардлик, жасорат кўрсатди. Тақдир экан, II гуруҳ ногирони бўлиб қайтди. "Қизил Юлдуз"ли афғончи қадрдон шаҳрида яна жўшқин ҳаётга шўнғиб кетди. Уруш уни анча улғайтирганди. У жуда кўп вазифа, лавозимлардан воз кечди. "Тенгдошларимнинг Афғонистондаги жасорати, азобу уқубатлари кўз ўнгимдан кетмайди. Мен тирик эканман, уларнинг ҳурматини жойига қўйишим керак" деди. Мана 8 йилдирки, Талъат байналмилалчи жангчилар вилоят жамиятини бошқаради.

Халил ИБРОҲИМОВ, вилоят байналмилалчилар жамияти ходими.

Илҳом Жўрақулович ТУРСУНОВ, 111 -Жомбой сайлов округи

Илҳом давр руҳини тўғри англаб, яхшилар йўлидан бораётган ёшлардан.

— Менга партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури ниҳоятда маъқул бўлди, — дейди у. — Хусусан қишлоқни юксалтириш борасидаги ғояларга чин дилдан қўшиламан. Дастурда айтилганидек, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ширкатлар, бирлашмалар ва акциядорлик жамиятлари учун самарали молиявий ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасини шакллантириш жуда ҳам зарур. Буни амалга ошириш эса бевосита Олий Мажлисга сайланажак депутатлар зиммасига тушади. Шу сабабли мен сайловчилар депутатликка ана шу муаммолар ва уларнинг ечимини пухта, чуқур биладиган юртдошларини сайлашларини истардим.

Очиғи, Илҳомнинг ўзи ҳам шундай ишончга лойиқ йигит. Чунки у ёш бўлишига қарамасдан ишнинг қайноқ жойларида меҳнат қилди. Ўрта мактабни тугатгач, Дўстлик пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлди. Қишлоқ хўжалик олийгоҳини тугатгач эса Жомбойдаги "Украина" хўжалигида назоратчилик қилди. Ҳарбий хизматдан кейин ҳам шу ишини давом эттирди. Кейин бригада бошлиғи ва ниҳоят, 1992 йилда "Гулистон" жамоа хўжалигига раис этиб сайланди.

Раҳматилло МУҲТАРАМОВ, 105-Усмон Юсупов сайлов округи

Раҳматилло қирчиллама 45 ёшида. Ҳаракатлари худди ҳарбийларникидек чаққон, жўшқин, кескин. Лоқайдлик, эринчоқлик деган тушунчаларни билмайди.

— Касбимиз ҳар бир масалада кишилар билан эринмасдан суҳбатлашишни, уларга бугунги сиёсатни тўғри тушунтиришни тақозо этади,— дейди у.— Қаранг, Президентимиз, республикамиз раҳбарияти халққа тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Имтиёзлар, енгилликлар эгаларига ўз вақтида етиб бориши бизнинг нечоғлиқ ҳаракат қилишимизга боғлиқ. Шу боис бу масалада суст-кашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Шанбада ҳам, оддий иш кунлари эса кечқурун соат 9 га қадар туман ижтимоий таъминот бўлимида иш қизғин. Нафақаларни янги кўрсатмага асосан ошириб, ҳисоблаб чиқиш осон иш эмас, катта меҳнат талаб қилади.

— Очиғи, ижтимоий ҳимоя мустақилликнинг халқимизга берган энг улуғ иноятидир десам хато бўлмас,— дейди Раҳматилло.— Ана шу ғамхўрликнинг қадрига етишимиз керак. Агар мен депутат бўлсам, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилинаётган қарорлар ижросини осонлаштириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишни таклиф этардим.

Боғишамол туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, партиямизнинг фидойи аъзоси Раҳматилло Муҳтарамовнинг ниятлари шу.

Олим Икромович ИКРОМОВ, 109-Булунғур сайлов округи

Олим аканинг ажойиб бир хислати бор: қайси даврада ўтирмасин, қисқа муддат ичида суҳбатдошларининг эътиборини қозонади. Дунёнинг истаган бурчагидан гап сўрасангиз, топиб беради. Латифа, шеъру қўшиқ жони дили.

— Одамлар янгича яшашнинг чуқур мазмунини тушуниб етсаларгина, раҳбарларга осон бўлади,— дейди Булунғур шароб комбинатининг директори Олим Икромов.— Янгича яшаш эса менимча, аввало ўз қадр-қимматини англаш демакдир. Ўзини англаш учун одам қилаётган ишининг мазмунини, моҳиятини тушуниб етиши керак. Мен барча юртдошларимнинг ана шу ақидани ўзлаштиришларини жуда-жуда истар эдим.

Вино комбинатида режаларнинг бажарилиши ҳақида гапириб ўтириш шарт эмас. Муҳими — бу ердаги ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароити. Бу жиҳатдан корхона директори кўп савобли ишга қўл урган. Қолоқ жамоа қисқа муддат ичида имкониятларини ишга солиб, бақувват корхонага айланди. "Булунғур бренди"си, Булунғур десерт виноси, махсус ароғи ва жаҳон андозаларига мос бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Германия билан ҳамкорликда шампан виноси тайёрлайдиган линия қурилаяпти. 1992 йилдан буён комбинатда узумдан спирт олинмоқда.

Олим ака туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси сифатида партия нуфузини ошириш, сафларни кенгайтириш борасида мақтовга лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

В. УСМОНОВА, меҳнат фахрийси.

Илҳом ҚЎЧҚОРОВ, 112-Иштихон сайлов округи

Иштихонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида тўпланган тажрибаларни гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Тумандаги А.Йўлдошев номли ширкатлар уюшмаси ана шу эзгу ишларнинг олдинги сафида бормоқда. Бу хўжаликни эса 1992 йилдан бери Илҳом Қўчқоров бошқараётир.

Илҳом қисқа давр ичида катта тажриба тўплади. Бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Хўжаликда устахона мудирлигидан ижроком бўлим мудирлиги вазифасигача ишлаб улгурди. Шу сабабли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, деҳқонлар турмушини яхшилаш йўлларини чуқур ўзлаштирди.

— Халқимизда қўли текканнинг оғзи ҳам тегади, деган гап бекорга айтилмаган. Биз эса деҳқон етиштирган ҳосилнинг охирги килосиниям давлатга топшириб ўрганиб қолгандик. Уйга егулик бирор нарса олиб кетса, нақд балога қоларди. Шу сабабли хўжаликда аввалига натура усулини тикладик. Бундан ташқари, биргина шу йилнинг ўзида хўжалик аъзоларига жуда арзон нархда буғдой, картошка, шоли, пиёз, 14 тонна пахта ёғи, 90 тонна шулха, 90 тонна кунжара тарқатилди. Айрим тоифадаги кишиларга бепул берилди, — дейди раис. Йил якунлансин, одамларимиз яхшигина даромад олишади. Чунки ҳамма соҳада режаларни ошириб уддаладик. Муҳими, кам харажат билан мўл ҳосил етиштирдик.

Гулнора Ботировна ЙЎЛДОШЕВА, 106-Сиёб сайлов округи

Мактабни олтин медал билан тамомлаган Гулнора пойтахтга йўл олди. Тошкент тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Уни тугатгандан бери гоҳ туғилган юрти Самарқанд, гоҳ Тошкентда ишлайди. Опа раҳбарлик қилган кўп минг кишилик жамоалар асосан аёллардан иборат бўлганлиги учун хотин-қизлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишни асосий вазифаси деб билди. "Учқун", "Малика", "Қизил тонг" корхоналарида ишлаган вақтида болалар боғчалари, профилакторийлар, гўдаклар оромгоҳи, дам олиш масканлари, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари қурилиб, жажжи ўғил-қизларга ҳадя қилинган.

— Буларнинг ҳаммаси хотин-қизлар хизматини енгиллаштириш, улар соғлом бўлиб болаларини бекаму-кўст тарбиялашларига ёрдам беришлигини ҳис қилганлигимдан дейди Гулнора Ботировна.

Опа қаерда ишламасин, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини биринчи ўринга қўйди. Улар учун маиший-маданий шарт-шароитлар яратиш, саломатлигини сақлаш ҳақида қайғурди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасида бир йил ишлаш мобайнида Гулнора Ботировна эътиборни давлат ташкилот ва идоралари фаолиятининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган ёш авлодни ва умуман миллатни соғломлаштириш масаласига қаратибгина қолмай, бу ғоя бутун аҳолини қуршаб олиши ва умумхалқ иши бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоқда.

Шарафжон Тошпўлатович ҚЎЧҚОРОВ, 113-Каттақўрғон сайлов округи



Ҳар бир ишда ҳам ташкилотчилик керак. Бундай фазилат жамоа бошини бирлаштиришда, яхши ишларни қилишда қўл келади. Айниқса унга тажриба қўшилса, ҳар қандай идорада ишлар беш деяверинг.

Каттақўрғон дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида ана шундай дейиш мумкин. Чунки унга тажрибали, ишбилармон раҳбар Шарафжон Тошпўлатович Қўчқоров бошчилик қилади.

— Битта раҳбарнинг ўзи ҳар қанча чиранмасин, ҳеч нарса қила олмайди. Жамоага, фаолларга, фидойиларга таяниш, ишониш керак. Мен шундай қилдим, — дейди у.

Ҳа, шундай қилди. Натижада қисқа муддат ичида корхонада жами 8 минг тонна маҳсулот сиғадиган 4 та айвон тикланди. Қўшрабодда ундан ҳам катта айвон қурилди. Ташландиқ ҳолга келган омборлар таъмирдан сўнг дуппа-дуруст бинога айланди.

Ишчи-хизматчилар учун ёрдамчи хўжалик очилди. Ҳар йили уларга 20 килограммдан арзон гўшт тарқатиляпти. Сут эса бепул берилади. Жамоа аъзоларининг тўю маъракаларига ёрдам кўрсатилади.

Бу ерда сиёсий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган. ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти сафида 40 нафар аъзоси бор.

Амридин БОЛТАЕВ, 107-Сўғдиёна сайлов округи



Мамлакатимизнинг қайси бир бурчагига борманг, Самарқандда чиққан лифтлар хизматда.

Лекин иқтисодий қийинчилик бу корхонага ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Лифтга буюртмалар бўлса-да, унга керакли қисмлар четдан келтирилиши муносабати билан ишлаб чиқаришда узилиш пайдо бўлди. Лекин бирлашмада ишбилармон раҳбар борлиги боис бу муаммоларни ечиш йўллари излаб топилмоқда.

Корхонада қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 45 хил турда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси аҳамиятлики, бу моллар корхона чиқитлари ҳисобига тайёрланяпти.

Бирлашмага ишнинг кўзини биладиган Амридин Болтаев раҳбарлик қилмоқда. У киши оддий ишчиликдан бошлиқ даражасигача кўтарилганлардан.

Бугунги иқтисодий қийинчилик шароитида ишчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, 90 хонадонли уй фойдаланишга топширилди. Шунча оила янги уйга кўчиб ўтди. Улар имтиёзли равишда уйли бўлдилар. Уй таннархининг 30 фоизини тўлашди.

Амридиннинг ишланувчанлиги боис корхона моддий техника базасини мустаҳкамлаш, янги технологияларни жорий этиш қўлланилмоқда.

Бугунги кунда Магнитогорск, Тюмень, Уфа, Томск, Барнаул, Челябинск шаҳарлари билан шартнома тузиб, уларга буюртмаларни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Эркин ИЛЬМУРОДОВ, 110-Гўзалкент сайлов округи

— Ҳар бир нарса ё эҳтиёжга айланса, ё қонун йўли билан мустаҳкамлансагина қадрли бўлади. Ярим-ёрти режаю ниятлар билан иш битириб бўлмайди!

Эркин аканинг шиори шунақа! Ваъдабозликни, ланжликни ёқтирмайди. Айниқса, бугунги ишни эртага қолдиришни ёмон кўради. 1966 йилда (ўшанда у Пастдарғомдаги "Память Ленина" хўжалигида механизатор эди) трактори бузилиб қолди. Арзимаган эҳтиёт қисм топилмади. Унга борди, бунга борди — йўқ. Ҳаммаси эртага эрталаб келтириб берамиз, дейишди. Эндигина қўлга киритган тракторини далада қолдиришга кўзи қиймади. Қўшни хўжаликдаги ҳамкасбининг уйидан топиб келди ўша матоҳни.

— Роса қўрс экансан-да, бола — деди раис. — Лекин сендан зўр инженер чиқади.

Чиқдиям. Нафақат инженер, раис ҳам чиқди. Лекин бунинг учун у роппа роса 10 йил механизаторлик қилди. Кейин бош муҳандис, раис... Бугунги кунда Гўзалкентдаги "Машъал" хўжалигини бошқараяпти.

— Раиснинг одамларни далага чорлайдиган пайти ўтиб кетди, — дейди Эркин ака. — Биз йирик масалаларни ҳал қилишимиз зарур. Масалан, мен хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, йўл қуриш, мактаб, боғча барпо этиш, техникани кўпайтириш устида ишлайман. Вилоятдаги бошқарма, ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяман. Жуда кўп юмушларни бош мутахассислар, бригада бошлиқларига ишониб топшириб қўйганмиз.

Хўжаликда анчагина савобли ишларга қўл урилмоқда. Меҳр-оқибат риштапари мустаҳкамланмоқда. Ҳашар қилиш анъанага айланди. "Бундай одам билан ишласанг роҳат қиласан" дейди кўпчилик.

Илья Петрович ТЕН, 114-Қорадарё сайлов округи

Илья Петрович билан бир даврада ўтириб қолсангиз, ҳузур қиласиз. Латифанинг кони у киши. Зиқналикни, писмиқликни ёқтирмайди. Одамнинг қадрига етади. Ишлайдиганларни хор қилиб қўймайди.

— Илья ака эл, юрт кўрган одам, бамаъни одам — дейишади ишчилар.

Ҳақиқатдан шундай. 1966 йилдан 1979 йилгача Приморье ўлкасида чорвачиликнинг турли бўғинларида ишлади, айниқса паррандачиликнинг ҳадисини олди. Шу сабабли Каттақўрғон туман паррандачилик фабрикасига бош зоотехник этиб қўйганларида ишни қийналмасдан бошлади. Бутун эътиборни ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этишга қаратди. Товуқлар наслини мукаммаллаштириш устидаги синовлардан эринмади.

Вилоятда паррандачилик бўйича етук, тажрибали мутахассисга айланди. Ўн йилдирки, Каттақўрғон туман парҳез гўшти етиштирувчи паррандачилик фабрикасига директорлик қилаётир. Бу ерда парҳез гўшти етиштиришнинг илғор технологияси йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

—Мен Ўзбекистондай ажойиб бир юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Илья ака. — Халқимиз ўтган сайловда мени Олий Кенгашга сайлаганди. Кўплаб муҳим қарорлар қабул қилинишида иштирок этдим. Яна уларга хизмат қилишга бел боғлаганман.

Талъат Субҳонқулович УСМОНОВ, 108-Беруний сайлов округи

Бу йигит Самарқандда "Ёшлар турар-жой комплексини қурган бола" деб ном олган. Шаҳарнинг кўпчилик аҳолиси яшайдиган Сартепа масканида ана шу турар-жой комплекси қад ростлаган, қанча уйга муҳтож ёшлар бошпанали бўлган.

Талъат кўпроқ ёшларнинг тақдирини, уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлларини ўйлайди, излайди. Унинг фикрича, ишсиз юрган ёшларни шартномалар бўйича бошқа шаҳарларга ишга юборишлозим.

Ҳамма ўз ташвишлари билан банд бўлган замонда фарзандлар тарбияси ўз қадрини бироз сусайтираётганлиги Талъатда мактабларда ислоҳотлар ўтказиш керак, деган фикрнинг келиб чиқишига сабаб бўлаяпти. Унингча, бугунги кун ўқитувчиларининг билими, саводхонлигини ҳам назоратга олиш, улар ўртасида имтиҳонлар ўтказиш керак.

Иқтидорли болалардан ҳеч бир имкониятни аямаслик зарур. Токи, биз келажакда бугунги кун Беруниийлари, Ибн Синолари, Улуғбеклари билан фахрланиш туйғусига эга бўлайлик. Шунинг учун ҳам Талъат бу фикрга амал қилиб, шаҳарда "Самарқанд юлдузлари" танловини ўтказди. Қанча иқтидорли болалар "топилди".

Салим ҲАБИБОВ, 115-Нарпай сайлов округи

Раис бувани Нарпайнинг қаҳрамони дейишади. Туманнинг қайси қишлоғига, маҳалласига борса, ҳурматини жойига қўйишади. Чунки у кишида ҳудо берган салоҳият, бағри кенглик бор. Олтмишни урриб қўйган бўлса-да, тиниб-тинчимайди, бекор ўтиришни ёмон кўради, янгиликсиз яшамайди.

— Домла, қачонгача, оғир кетмонни кўтариб юрамиз. Йўқ, мен меҳнатдан қочишни назарда тутмаяпман. Ана шу меҳнатимизни такомиллаштириш керак. Акс ҳолда ҳосилдорликни ўн баравар оширган билан биримиз икки бўлмайди,— дейди куюнчаклик билан Салим ака.

Раис кўнглидан бирорта яхши ғоя ўтса, дарҳол бизнинг олийгоҳга келади. Олимлар билан маслаҳатлашади, фикрининг илмий исботини топгач, ишга киришади.

Бундай ўйлаб қарасам ўттиз йилдан бери қайси хўжаликни бошқарган бўлса, режани ошириб бажарган. Мана тўрт йилдирки, у киши Бобур номли ширкатлар уюшмасига раҳбарлик қилади. Яқинда хўжалик агрофирмага айлантирилди. Бу ерда ҳам раис бува ташкилотчилик, фидойилик кўрсатдилар.

Тўрт йилдан бери хўжаликда бажарилмаган режанинг ўзи йўқ. Аксинча, рентабеллилик йилдан йилга ошиб бормоқда.

Нурилла САНАЕВ, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори.

ФАХРИЙЛАР ФАОЛ

Шаҳримиз ҳудудида 30 та маҳалла бор. Унда қарийб 130 минг аҳоли яшайди. Шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида партия ташкилотлари бўлган маҳалла қўмиталарининг сайловолди ишлари муҳокама қилинди. Иш режаларининг қандай амалга оширилаётганлиги диққат билан ўрганилди. Унда шаҳримизда яшаётган 15 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийсининг сайловолди ишларида фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратилди. Негаки бизда вилоят, шаҳар депутатлигига номзоди кўрсатилган анчагина меҳнат фахрийлари бор.

Шуниси диққатга сазоворки, Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодларнинг аксарияти Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари. Ҳар бир округ, участкага шаҳар партия кенгашининг масъул ходимлари биркитиб қўйилди. Участкаларда сайловолди ишларини олиб боришга партия фаоллари кенг жалб қилиняпти. Округ ва участкаларда 3—5 партия аъзосини ўз ичига олган гуруҳлар тузилган. Улар ўз участкаларида ташвиқот ишларини қизғин олиб боришмоқда. Шаҳар партия кенгаши ўз сайловолди дастурида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморларнинг яшаш шароитини чуқур ўрганиб, уларга ёрдам беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Ҳозиргача 5 мингга яқин кам таъминланган оила рўйхатга олинди. 1200 оилага ҳар ойда 200—300 сўмдан моддий ёрдам берилмоқда.

Шаҳарда 515 уруш қатнашчисига, фронт орқасида фидойиларча меҳнат қилган 294 нафар фахрийга, урушда боқувчисини йўқотган 393 оилага алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти.

Фахрийларнинг ташаббуси билан, уларнинг бевосита иштирокида шаҳарда 5 та кичик корхона ташкил топди. "Омад", "Ҳақиқат" "Рўё", "Ветеран", "Шуҳрат" кичик корхоналари кийимкечаклар, ғишт, сандиқ, эшик-ром ишлаб чиқаради. Уларда 300 дан ортиқ киши ишламоқда. Шундан 174 нафари уруш ва меҳнат фахрийларидир. Йил охиригача яна 2 та кичик корхона фахрийлар ташаббуси билан ташкил қилинади.

Шаҳримизда 33 та сайлов участкаси бор. Мусурмонқул Қодиров, Руҳулла Юсупов, Нормат Фозилов, Мамасоат Сиддиқов, Аҳмад Ёқубов каби фахрийларимиз сайловолди ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Улар сайлов тўғрисидаги қонунларни сайловчиларга, айниқса, ёшларга тушунтириб бормоқдалар.

Шуни айтиш керакки, номзодлар орасида ишчилар, колхозчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи ва муҳандислар, ўқитувчи ва хизматчилар, хотин-қизлар ва тадбиркорлар бор.

Умуман олганда, биз, фахрийларнинг мақсади Олий Мажлисга, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳалол, пок, виждонли, халқпарвар, ташкилотчи ва тадбиркор, ХДП ишига садоқатли кишиларнинг сайланиши учун жонбозлик кўрсатишдир. Барча тадбирларимизда Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастури йўлчи юлдуз бўляпти.

Ваҳобжон ЖАЛИЛОВ, Жиззах шаҳар Уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

Рустам Аҳмедович АҲМЕДОВ, 116-Нуробод сайлов округи

Рустам Аҳмедович кўп гапирмайди. Ниятларини амалда кўрсатишга ҳаракат қилади. Ваъда беришни ёмон кўради. Ўзининг айтишича, "кўрамиз", "бажарамиз" деган ваъдаларни ҳеч қачон ҳеч кимга бермаган. Шу туфайли бўлса керак, уни баъзан чўрткесарликда айблашади.

Барибир ишчанлик фазилати, қатъиятлилиги барчанинг ҳурматида. 1974 йилда Тошкент технология техникумини тамомлаб келгандан буён дон маҳсулотлари бошқармаси бўлинмаларида меҳнат қилмоқда. Жонкуярлиги, ҳар бир ишни охиригача етказмасдан қўймаслик хислатлари кўпчиликка маъқул тушди.

Шу боис уни аввалига Жомбой дон маҳсулотлари корхонасига директор, яқинда эса дон маҳсулотлари Самарқанд ҳудудий бирлашмасига бош директор этиб тайинлашди.

Жомбойдаги комбинатда Рустам ишлаб чиқаришни тўласинча ўзгартиришга эришди. Унинг фидойилиги эвазига тегирмонлар Швейцариянинг "Бюллер" фирмасида тайёрланган ускуналар билан жиҳозланди. 72 минг тонна ғалла сақланадиган элеватор қайта таъмирланди.

Пайариқ, Челак ва Жомбой туманларида ҳосил сифатини сақлаб қолиш мақсадида ғаллачилик пунктлари очилди. Самарқанд ва Ургут туманларида биттадан кичик тегирмон қурилди.

Р.Аҳмедов бирлашма мутахассислари билан биргаликда қишлоқда ва шаҳарлардаги маҳаллаларда 10-15 турдаги нон маҳсулотлари тайёрлайдиган ихчам цехлар қуриш ташвиши билан банд.

Мавжуда Шарифовна АКРАМОВА, 121-Самарқанд сайлов округи

Тан олиш керакки, кейинги 2-3 йил ичида Самарқанд тумани иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳақиқий карвонбошилик қилмоқда. Бу ерда бирор янгилик бўлмаган куннинг ўзи йўқ. Туман хотин-қизлар қўмитаси эса ана шу эзгу ишларнинг энг қайноқ жойида.

— Ишбилармонлик, фидойилик борасида ҳокимимиз Раҳима опа Ҳакимова барчамизга ибрат кўрсатмоқдалар,— дейди Мавжуда. — Оилада меҳрибон она, сариштали аёл бўлиши билан бирга ижтимоий турмушда ҳам эзгуликларнинг ташаббускори. У кишининг эътибори туфайли туманимизда фаол хотин-қизлар сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Зеро, бу нарса Президентимиз фармонларини бажаришда, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эга.

Мавжуда Шарифовна туман ҳокимлигининг ишончли таянчларидан бири. Аввало унинг ўзи қолаверса, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари барча ишда жонкуярлик, фидойилик кўрсатадилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши билан биргаликда маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида тез-тез тадбирлар ўтказишади. Шу сабабли тумандаги оилаларда қўйди-чиқди кескин камайди, қонунбузарликларнинг пайи қирқилмоқда. Қишлоқларда аёллар, қизлар учун янги иш ўринлари очилмоқда.

Мавжуда аслида чет тили фани ўқитувчиси. Шаҳар ва қишлоқ мактабларида дарс бериб тажриба орттирган. Хўжалик раисининг маданият ишлари бўйича муовини, Оҳалик қишлоқ кенгаши раиси сифатида турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди.

Сайфитдин АСРОЛОВ, 124-Ургут сайлов округи

— Муҳими, сайловчилар бу ғалги сайловнинг ўзига хос томонларини англаб етишида, — дейди С. Асролов. — Чунки энди биз, номзодлар, аввалги сингари халққа уни қураман-буни қураман деб ваъдалар беравермаймиз. Эндиги депутатлар мамлакат тараққётининг йўналишлари, йўлларини белгилаб беришлари керак.

Сайфиддин Самарқанд химия заводида ишлаб, сўнг тўқимачилик комбинати ишга тушгач, Ургутга қайтди. Смена устаси, технолог, шойи тўқиш цехи бошлиғи бўлиб ишлади. Кейин ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, бош муҳандис этиб тайинлашди. Хуллас, барча ишлаб чиқариш жараёнларида кўзи пишди, оддий ишчиликдан эндиликда фабрика директорлигига кўтарилди.

Тўқимачилик фабрикаси ишбилармонликнинг марказига айланган. Режалар ортиғи билан бажарилади. Маошдан, мукофотдан ҳамма хурсанд. Маҳсулотларни ўз вақтида манзилига етказиб беришади. Фабриканинг ўз боғчаси, ёрдамчи хўжалиги бор. Бундан ташқари тумандаги ўнлаб жамоаларга, қарияларга, болалар боғчалари, мактабларга моддий ёрдам кўрсатишади. Бу ишларнинг бошида фидойи, партиямизнинг жонкуяр аъзоси, Олий Мажлис депутатлигига номзод Сайфиддин Асролов турибди.

Ваҳобжон Эргашевич ЗОКИРОВ, 117-Оқдарё сайлов округи

Ваҳобжон Оқдарёдаги энг ёш раис. Аммо қилаётган ишлари тажрибалиларникидан қолишмайди. Мана, қаранг, бу йил пахта тайёрлаш режасини биринчилардан бўлиб бажарди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга топширилди.

В. Зокиров раислик қилаётган "Янгиобод" хўжалигида бошқа ишлар ҳам ёмон эмас. Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бир дақиқа ҳам тўхтаган эмас.

— Агар хўжалик ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар учун ягона, қатъий молиявий тизим яратиш керак, десам янгилик бўлмас. Чунки бу камчилик жуда кўплаб ишбилармонларнинг, ташаббускорларнинг оёғига тушов бўлаётир, — дейди Ваҳобжон.

— Бу борада аниқ таклифингиз борми?

— Авваламбор, ўзини оқламайдиган корхона, хўжалик, идораларни ёпиш, тарқатиш ёки сотиб юбориш керак. Қаранг, хўжаликнинг маҳсулотини бепул олиб қўйишади. Биз эса пулини тўламасдан ҳатто бир дона мих ҳам ололмаймиз. Ягона молиявий тизимнинг қоидаси ҳам ягона бўлиши керак. Маблағинг бўлса, марҳамат, истаган нарсангни олавер. Ўддалай олмасанг, чеккада тур. Бундай корхона ва хўжаликларга бекорга қарз бераверишр ярамайди.

Бахриддин Азимович НАИМОВ, 122-Улуғбек сайлов округи

Унинг болалиги Ғозғон тоғларида ўтди. Нуротанинг машҳур чашмасидан сув ичиб ўсди. Ҳамиша Ғозғон қишлоғининг паст-баландликларини, дилкаш қишлоқдошларини соғиниб, эслаб яшайди. Қишлоқ фельдшерининг ўғлига берилган ризқ шу экан. Пойтахтда қолиб кетди.

— Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаганим менга ҳануз катта масъулият юклайт, дейди Бахриддин Наимов.— Чунки уни ўз меҳнатим, билимим билан олганлигимни то абад исботлашим керак.

Ана шу масъулият билан Бахриддин Азимович Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатди. Хизматни Адлия вазирлигидан бошлади. Сўнг ҳар хил лавозимларда ишлади.

1986 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига сайланди. Ўтган йилнинг февраль ойидан буён Олий ҳайъатнинг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари.

Республикада қонунчиликни мустаҳкамлашда, одил судловни амалга оширишда Бахриддин Азимовичнинг ўз ўрни бор. Унинг Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўрисида"ги қонуни, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий-ҳуқуқбузарлик ва "Божхона тўғрисида"ги мажмуаларнинг лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этганлигини айтмаса бўлмас.

Ҳуқуқий давлат қуриш сари бораётган эканмиз, Олий Мажлисда ҳуқуқшунослар, мутахассислар бўлмоғи шарт. Буни Улуғбеклик сайловчилар ҳам жуда яхши билишади, деган умиддамиз.

Эргаш ОТАМУРОДОВ, 125-Қуйиқишлоқ сайлов округи



— Эргаш ака, сизнингча қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттириш учун нималар қилиш керак?

— Энг аввало Президентимиз чиқарган фармонларни бажариш керак. Менимча дунёдаги ҳеч қайси мамлакатда деҳқон учун бу қадар имтиёз берилмаган бўлса керак. Фақат жойларда бу кўрсатмаларни ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Келгусида, эҳтимол зудлик билан, ана шу жараённи такомиллаштириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш лозим.

— Деҳқоннинг эртасини қандай тасаввур этасиз?

— Деҳқон сўзи рамзий маъно бўлиб қолишини истайман. Негаки, қишлоқда экин-тикинсиз, молсиз, паррандасиз хўжалик рўзғор тебрата олмайди. Бундан ташқари, ўзимиз етиштирадиган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйсак, деҳқон яна ўнлаб касб-ҳунарларни ўзлаштиради.

— Сизни омадли раис дейишади...

— Ота-онамдан ўтган меҳнатсеварлик, бошқаларни ҳурмат қилиш каби фазилатларни ўзимга энг катта омад деб биламан. Ақлимни танигандан бери бу ақидалардан чекинган эмасман. 1966 йилдан 1980 йилгача Ургутдаги турли хўжаликларда оддий юмушларни бажардим. Меҳнатдан, тажриба ўрганишдан эринмадим. 1989 йилдан буён эса Ҳамза номли жамоа хўжалигини бошқараяпман. Ўтган йили халқ хўжалигида эришган ютуқларим учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландим.

Йўлдош СУЮНОВ, 118-Паст дарғом сайлов округи

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятдаги нуфузини ошириш учун нима қилмоқ керак?

— Энг аввало, ҳар бир фуқарога, партия аъзосига ўз мақсадимиз мазмун-моҳиятини, қадр-қимматини, тушунтира олишимиз, уларда фаолиятимизга ҳурмат, ишонч уйғотишимиз керак. Бунинг учун доимо одамлар орасида юриш зарур.

Иккинчидан, партия ташкилотларига ишчан, ғайратли, бу билан бирга ҳаётни тушунадиган кадрларни қўйиш лозим.

Учинчидан, ўзаро ишлаш жараёнида иллатларни бир-биримизда яширимайлик, ошкораликка эришайлик. Шуни унутмаслик керакки, кўплаб партиялар ўз қусурларини пинҳон тутишга интилганлари учун охир-оқибатда сиёсий майдондан тушиб кетдилар.

Й. Суюнов вилоят партия Кенгашига биринчи котиб этиб сайланганданоқ бу ерда ишлар жонланиб кетди. Самарқанд вилоят партия ташкилоти салмоғи ва нуфузи жиҳатидан бугунги кунда Марказий Кенгашнинг таянч ташкилотларидан бирига айланди. Муҳими, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилоят турмушидаги ўрни кўзга ташланиб қолди. Партия фаоллари жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ўз вақтида муносабат билдириб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш юзасидан қимматли таклифлар билан чиқмоқдалар.

Дарвоқе, Й Суюнов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1988 йилда Бутуниттифоқ ҳуқуқшунослик институтини ҳам тугатган. .

Турсунпўлат Идибоевич УРУНОВ, 123-Тойлоқ сайлов округи

Турсунпўлат отаси — Меҳнат Қаҳрамони марҳум Иди бобонинг сўзларини доимо ёдида сақлайди.

— Донишмандларнинг айтишича, юртни қаттиққўл ҳоким, виждонли ҳаким, адолатли қози обод қиларкан. Жон бор бу гапда, болам. Одамларнинг қалбига малҳам бўлиш ҳам шифокорнинг вазифасига киради.

Ота ўгитлари шифокор ўғилга ҳар гал қуч-қувват бағишлайди. Туман бирлашган касалхонаси, Давлатобод қишлоқ касалхонасида ишлаган пайтларида ҳам бу ақидани унутган эмас. Бугунги кунда Эскижума қишлоқ участка касалхонаси бош врачи бўлса-да барибир эсида ўша.

— Тан олиш керакки, катта шифохоналар унчалик иш бермай қолди, — дейди Турсунпўлат. — Кўрпа-тўшаксиз, дори-дармонсиз касалхона кимга керак? Бундай пайтда кундузги стационарлар қўл келади. Майли, дориларни аҳолининг ўзи топсин. Бундан кўрқмаслик керак. Фақат муайян қатламни моддий қўллаш зарур. Ана шунда одамлар ўз соғлиғининг қадрига етадиган бўлишади. Умуман Олий Мажлис депутатлари тиббиёт бўйича жуда катта ислоҳотларни амалга ошириши лозим.

Турсунпўлатнинг фикрича, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг нуфузи унинг ҳар бир аъзосининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Шу боис ҳам қўли эм, сўзи малҳам ҳаким Т. Ўрунов ўз касбини юксак қадрлайди. Партия аъзоси сифатида барча тадбирларда фаол қатнашади.

Дилбар Аҳмадовна УМАРОВА, 126-Қоратепа сайлов округи

— Дилбар, аёллардаги қайси фазилатни қадрлайсиз?

— Ҳақиқий аёлликни. Бу нарса унинг оналигида, оила, рўзғор тутишида, фарзанд тарбиялашида кўзга ташланади. Илгари остонасининг озодалигига, боласининг муомаласига қараб хотинларга баҳо беришган.

— Бизда эса...

— Ҳа, номига номуносиб аёллар кўпайиб кетди. Оила бузилишларини камайтириб бўлмаяпти. Аёлларга эркакларнинг вазифасини юклаш мумкин эмас. Аммо хотин-қизларни ижтимоий турмушдан четлатиш ҳам яхши эмас. Бу масалада оқилона иш тутиш керак.

Ўзим ўқитувчи бўлганим учунми, билмадим, муаллимлик аёлларга жуда ярашадигандек. Ахир бола билан яшаш, ишлаш, уни баркамол қилиб тарбиялаш ҳар бир она учун нек орзу эмасми?!

— Умуман тарбия соҳасини такомиллаштириш ҳақида аниқ таклифингиз борми?

— Албатта, бу масалада мендан тажрибали ўқитувчилар кўп бор мулоҳаза билдиришяпти. Аммо фикрим йўқ эмас. Кейинги пайтларда шаҳар жойларда уй боғчалари пайдо бўлди. Ўшани қишлоққа жорий қилиш керак. Чунки дала шийпонлари кераксиз бўлиб қолган бир пайтда ёз даврида ҳар бир қишлоқнинг ўзида уй боғчалари очилса, боладан кўнгил тўқ бўлади. Аёл ҳам уй ишини бажаради, ҳам қўшниларнинг боласига қарайди. Бола ҳам кўзи тушиб юрган аёлга тез ўрганади.

Абдураҳмон Назарқосимович АШИРОВ, 119-Пайариқ сайлов округи

— Яшириб нима қиламиз: бизда ҳали ҳисоб-китоб ишлари юксак даражада йўлга қўйилмаган. Маҳсулот ишлаб чиқаришни фалон тоннага ёки центнерга кўпайтирдик, деймизу, аммо бухгалтернинг қўлида алмисоқдан қолган чўтдан бошқа нарса йўқ. Бизда хўжалик ҳисоб-китобининг марказлаштирган усули йўлга қўйилмаган. Телефонда бир-биримизга ҳисобот бераверамиз. Уни ҳеч ким ҳозир якунламай қўйган.

— Якун деганда нимани назарда тутаяпсиз?

— Нимани бўларди хўжалик йилини-да! Бу нарса хўжалик аъзолари билан муҳокама қилинади — тамом. Илгари чорвачиликда "24-форма" деган гап бўларди. Чорва туёғини, сут, гўшт етиштиришни бир кило бўлса-да, камайтирган раҳбар ҳақини оларди ўша "разбор"да.

Тўғри, ҳозир ҳамма ижарага ўтгач, деҳқон хўжаликлари кўпайган. Лекин улар қанақа, қанча маҳсулот чиқараяпти? Бу ҳақда бирор киши аниқ маълумот бера олмайди.

— Яна режалаштиришга қайтиш шартмикин?

— Ахир халқимизда "Режали иш — бузилмас!" деган нақл бор. Қолаверса, аравани ҳар ким ўзича тортаверса, ҳар ким ўз билганича маҳсулот ишлаб чиқараверса, халқ эҳтиёжини ким ўйлайди.

Тажрибали иқтисодчи, Иштихондаги Шариф Одилов номли ширкатлар уюшмаси раиси Абдураҳмон ака билан шу мавзуда узоқ суҳбатлашдик. У кишининг ниятларига, мақсадларига омад тиладик.

Абдурасул БОБОБЕКОВ, 127-Челак сайлов округи

Абдурасулни челакликлар ёшларнинг фидойи саркори сифатида жуда яхши билишади. Чунки у Пайариқ туман ёшлар иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби вазифасида ишлаган пайтда йигит-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий, ташкилий тадбирлар юксак савияда ўтарди. Челак тумани ташкил этилгач, у Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиблигига сайланди. Жўшқинлик, тиниб-тинчимаслик фазилати партиявий соҳада ҳам Абдурасулга қўл келди. У нафақат партия аъзолари, балки ХДП йўлини танлаган барча кишилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатди, бошланғич ташкилотлар сафини ой сайин бойитиб боришга эришди.

А.Бобобеков бугунги кунда йирик хўжаликлардан бирини бошқаряпти. Навоий номли жамоа хўжалиги барча тармоқлар бўйича йиллик режаларини ошириб бажарди. Энг муҳими, раио бошлиқ фаоллар одамларни меҳнат қилишга ҳамда ана шу меҳнат натижасини ҳисоблай ва уддалай билишга ўргатишди. Шу боис деҳқонларнинг ўзлари ҳосилдорликнинг, янгиликнинг ортидан қувмоқдалар.

Одам фақат моддий турмуш билан тирик эмас, унга маънавий озуқа сув ва ҳаводек зарур!

Абдурасулнинг гояси, дунёқараши ана шу ақидага асосланган.

Икром ЕДГОРОВ,
Самарқанд вилоят партия кенгаши ходими.

Ибодулла Олтибоевич ҚОЗОҚОВ, 120-Пахтачи сайлов округи

Бир кун автобусда шунақа суҳбат бўлди.

— Ҳой, болам, Олтибойнинг ўғлимисан?

— Ҳа.

— Отангга раҳмат, кеча бобойларни тўплаб маслаҳат сўрабсан, ҳурматини жойига қўйибсан. Кам бўлма, болам.

— Энди сизларга ҳар қанча қилсак ҳам кам, буважон.

— Тўғрику-я, дўкон очиб, корхона очиб, чўнтагини ўйлайдиганлар кўпда. Сен нима ишлаб чиқараяпсан?

— Ўзимга ўхшаган 30 нафар йигит-қиз бор. Асосан кийим-кечак, кўрпа-тўшак, ёстиқ тикамиз. Материалларни у ёқ-бу ёқдан олиб келамиз. Кексаларга, кам таъминланган оилаларга, фидойиларга маҳсулотларимизни арзон нархда сотяапмиз.

— Барака топ, болам, элни сийлаган кам бўлмайди..

— Шундайку-я, аммо ишбилармонликни бўғадиган томонлари ҳам бор, буважон. Бизга ўхшаганлар маҳсулот чиқариб, юртни кийинтирай, тўқ қилай деб ўйлайди. Айрим тўралар эса идорада ўтириб олиб имзосига пул сўрайди.

Ҳа, жамиятни, иқтисодиётни ривожлантириш борасида Ибодулланинг ўз қарашлари бор. Пахтачидаги "Булоқ" кичик корхонаси раҳбари насиб этса депутат сифатида ана шу эзгу мақсадларини амалга оширмоқчи. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу мақсадлар ишбилармонликнинг кенг қулоч ёзишига имкониятлар яратиш билан боғлиқ.

Анвар Сувонқулович СУВОНОВ, 128-Қўшрабод сайлов округи

Қўшрабоднинг батри доривор ўсимликларга кон экан. Анвар ҳамкасблари билан бу борада иш олиб бормоқда. У тўрт хил ана шундай ўсимликларни аниқлади ва улар вилоят миқёсида даволаш ишларида қўлланилмоқда.

Туман марказий шифохонаси терапия бўлими ординатори Анвар Сувонов гипертония касаллиги муаммолари ҳақида илмий иш ҳам олиб бораётир.

— Биласизми, мен қишлоқ врачлик амбулаторияси ишлаган давримда кишилар касалликлар тўғрисида жуда кам маълумотга эга эканлигини сездим.

Демак, тиббий хизмат даражасини, савиясини кўтариш бу — фақат тиббий ускуналар, замонавий даволаш воситаларини қўлланишгина эмас, балки одамларда ўз соғликларига нисбатан муносабатни ҳам ўзгартиришдадир.

Партиямиз сиёсати борасида ҳам Анварнинг ўз қарашлари бор.

— Уй, йўл бузилса, қайтадан тиклаш, қуриш мумкин. Аммо маънавиятдаги бўшлиқни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, бизнинг партия ижтимоий турмушнинг ана шу соҳаси, масаласи билан жиддий шуғулланишини истардим.

Материалларни "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Қурбон ЭШМАТОВ ва Фармон ТОШЕВ тайёрлашди.

"ТУРОН"
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ
ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ОҚ МОЙЛИ БЎЁҚ
1 КГ УЧУН 2,5-3,5 ДОЛЛАР МАРМАР УВОҒИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН УЗОҚ МУДДАТЛИ ШАРТНОМА ТУЗАМИЗ. МИНСКДАГИ ТЕЛ./ФАКС (0172) 464917.
ЭЛЕКТРОДЛАР СОТАМИЗ
АНО-4 Ø 4 ММ ЭЛЕКТРОД

"ТИМАРТ" ФИРМАСИ
Телефонлар: (3712) 91-0232, 91-6001.
доимий равишда МЕТАЛЛПРОКАТИНИ майда улгуржи ва ватонлаб харид этади ёки уларни алмаштиради.
Мавжуд металлпрокатини сотади.
Буюртма-хатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: 700005, Тошкент шаҳри, "8 Март" кўчаси, а/қ 73.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!
Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий
"МУЛОҚОТ"
журналига обуна бўлишни унутмадингизми?
Журнал ҳар ойда бир марта чиқади.
Обуна баҳоси:
Бир йилга 64 сўм 80 тийин.
Олти ойга 32 сўм 40 тийин.
"МУЛОҚОТ" журнали кўнглингизга нур, фикрингизга зиё, хонадонингизга файз бахш этишига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасига қарашли "Матбаа-таъминот" фирмаси жамоаси бўлим бошлиғи, техника фанлари номзоди Мирзаҳаким Мирзаҳмедовга волидан муҳтарамаси **Қутпи ая МИРЗАҲМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки жамоаси банкнинг Қашқадарё вилоят Муборак бўлими бош ҳисобчиси **Румия Аҳмедовна МУҲИТДИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг онла аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚОДИРИЙ ДАҲОСИ

Мозийда авлиёю амбиёлар, машойих ва пирлар ҳақида бирор бир фикр айтиш ёки оғиз жуфтлашдан аввал ҳар томонлама покланмоқ расм бўлган.

Хўш, айтингчи, покланиш ўзи надур ва уни қандай англамоқ даркор?

Ўзбек адабиётининг пири комилларидан бири Абдулла Қодирийнинг бир асрлик тўйлари баҳона покланиш ҳақида фақирнинг ноқисул ақли тубандагиларни битмакни ихтиёр этдиким, биздан андак ҳавойиликлар ўтса, кудратингиз бош устина.

Илло, покланиш фақат қўл-бетни ювгач, пучуқ бурунга икки кафт сув олиб қоқиб ташлаш, ҳидли оғизга сув тўлдириб ғарғара қилиш, силлиқ елкалару ғовак бошдан шалдиратиб сув қуйиб ғусл қилишгина эмас. Тўғри, фарзанди башар учун бу қоида ва "проседур"лар азал-азалдан расм бўлгон. Инчунун фақат сувнинг ўзи билангина кифояланиб бўлмас экан. Ҳатто сув ўрнига сутга чўмилиб, мушки анбар, атри фарангдан баҳраманд бўлгон хорижий таннозлару олти ойлаб баҳру уммонда шўнғиган ғоввосларни, ҳар куни "душ-пуш", ҳафтада бир "саунаю" пивохўрлик қилиб юрувчи акахонларни ғоҳида чин маънода пок деб бўлмайдур.

Покланиш — дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларини, куракда турмас ўйинларини (хоҳ жисмоний бўлсин, хоҳ сиёсий) туфайлидан қўтир очиб, қатрон бойлаган аламзада, ғамбода кўнгилни ойнадай ялтиратиб беғубор этмак;

— Покланиш — шу кўнгилни таънаю тамалардан фориғ тутиб, Яратганга шукроналар айтиб, билиб-билмас қилинган гуноҳлар, густоҳликлар учун ўз вақтида тавба-тазарру қилмак;

Покланиш — ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқмадан баҳраманд бўлмак;

Покланиш — бу ёлғончи, фоний дунёда ёлғондан ҳазар этмак ва ниҳоят, шу муқаддас остонани, шу она-Ватанни суюшни иймон иши деб билмак...

Пири комилимиз Абдулла Қодирий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ана шундай пок ва мукаммал инсон бўлганлар. Бу ҳақда мен у кишининг фарзанди комиллари, раҳматли Ҳабибулло Қодирий акамизнинг узоқ-узоқ ҳикояларини эшитиб, у киши ёзган "Отам ҳақида" китобларини қайта-қайта ўқиб, иймон келтирганман.

Абдулла Қодирий ҳазратлари покдил, покқўл билан қалам олиб, халқ учун ижод қилганлар. Ҳатто қалам ва қоғозни ҳам ҳалол пулга сотиб олар эканлар. Оллоҳ берган беқарор нафсга ҳалол луқма билан ором бериш, бола-чақа боқиш учун ер чопиб деҳқончилик қилганлар. У кишининг қўллари ёзда кетмондан, қишда қаламдан қадоқ бўлар экан.

Ростгўй адабиётнинг улкан даҳоси Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" романларини шарҳлаб, таҳлил қилиб ўтирмайман. Зотан, бунга ҳожат ҳам йўқ. Ҳар ким бу асарларни ўзича кашф этади, қолаверса, зукко адабиётшуносларимиз бу асарлардаги ҳар бир образни, ҳар бир кўриниш, лавҳа, суврат ва сийратни, ичи-ташини ағдариб тушунтириб бермоқдалар. Ғалати, ҳар бир даврда ҳам улуғ одамларнинг дўстлари, рақиблари бўлган. Ўз даврида ҳар қандай улуғ инсон бўлмасин, унинг бир "қусури" излаб топилган. Акс ҳолда Қодирий ҳазратларининг "Ўтган кунлар" асари ҳажмидан ҳам катта унга қарши танқидий китоб ёзилармиди? Ҳар бир ўн йилликнинг ўз қодирийкушлари бўлган. Қодирий эса топталган сари ҳаётбахш буғдой майсасидай кўкариб чиқаверган. Шубҳасиз, Қодирий ўшанда ҳам зўр эди. Уни йўқотдилар. Лекин маънан йўқолмади. Тарих Қодирий даҳосини зўрликдан улуғликка, улуғликдан буюкликка, буюкликдан мангуликка кўтарди. Бироқ, минг афсуски, ҳали ҳам тоққа тирмашиб чиқиб оламан дегувчи пашшалар учраб тураркан.

Яқинда кўп кишилик бир йиғинда худра бир адабиётшунос катта адабиётга даъвогар укамиз баландпарвоз бир гап қилди: "Қачонгача биз халқимизни Калвак маҳзумлар, Тошпўлат тажанглар, Қори ишкамбалар, Абдураҳмонлар, Мирзакаримбойлар, домла-имомлар тимсолида пачоқ, бадбашара салбий қаҳрамонлар билан бутун дунёга масхара қиламиз? Наҳотки бизда чиройли, қадди-басти келишган инсонлар бўлмаган бўлса?.."

Адабиётчи укамизнинг бу сўзларига кўплаб ақли расолар ўша заҳотиёқ эътироз билдиришди. Наҳотки, юқорида тилга олинган қаҳрамонларнинг ҳаммаси ҳам адабиётшунос укамиз айтганларидек, "пачоқ" бўлса? Қолаверса, инсоннинг суратига қараб эмас, ички оламига қараб баҳо берадилар. Калвак маҳзумнинг нимаси ёмон? У мутаассиб, инқилобдан кейинги суронли йилларда йўлдан адашган, дарбадар бахтсиз бир кимса. Бундайлар ўша йиллар жудаям кам бўлмаган-ку. Ахир у ўша йилларда аросатда қолганларнинг умумлашма вакили эмасми? Ёки Тошпўлат тажангнинг нимаси пачоқ? Бу ўша укамиз айтмоқчи Алпомиш нусха йигит эмасми? Шўро идораларидаги тўралар, порахўр, "налоговой"ларга қарши "куфри ошган" чапани йигит эмасми? Ёки "мадраса кўрган" Абдураҳмоннинг ички дунёсини Мирзо Анвар ёнида бадиий таҳлил қилиб, улкан кашфиёт даражасига кўтарилиши яна қайси асарда бор?

Келинг, адабиётшунос укам, бу ҳақда устознинг ўзларидан эшитайлик: "Масалан, "маним кулгичиликдаги қаҳрамонларимни олсак, бунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўра олмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина (монолог усули — Н. А.) эшитасиз. Калвак маҳзумда: кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган, холис бир маҳалла имоми; Тошпўлатда; ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасидан ўғирлик ва фаҳшиёт денгизида сузиб, тажанглашган холис бир чапани кўринур..."

Яна бировлар Абдулла Қодирий ҳажвиётида динга қарши атеистик мавзу кучли деган кўр-кўрона даъвони илгари суришади. Эҳтимол, баъзи ўринларда шунга ўхшаш қусурлар учраб қолар. Лекин сўз.

Абдулла Қодирий ҳазратларининг истаган асаридан исталган бир варағини очиб, ярим бет ўқисангиз, янги бир қиёфа, гўзал бир манзара, ноёб бир айтишув, кулгили ёки қизиқ бир луқма, ҳеч бўлмаганда янги бир сўзга дуч келасиз. Шуниси аниқки, ҳали бирорта ёзувчи адабиётимизда Қодирийчалик шевадиалектдан усталик билан фойдалана олмаган. Унинг асарларида Тошкент, Фарғона, Бухоро, Туркистон, Хўжанд, қўйингчи, бутун Марказий Осиё фарзандлари асл моҳияти билан Абдулла Қодирий динни, том маънодаги диндорларни эмас, балки динни ниқоб қилиб олган мутаассибларни ҳажв қилганлар.

Камина ҳам устознинг ҳажвиёт бобидаги нўноқ бир шогирди сифатида ҳамиша у кишининг руҳи поклари олдида таъзимдаман.

Баъзан шундай ҳам бўлади: катта бир романни "зарурат" юзасидан аранг ўқиб чиқасан. Елкангдан тоғ ағдарилгандай ўзингни анча енгил ҳис этасан. Эртасига яна "зарурат юзасидан" ўша романдаги воқеаларни тасаввурингда қайта тикламоқчи бўласан. Ҳарчанд уринма, эсингда китобнинг муқовасидан бўлак ҳеч нима қолмаган бўлади: на бирорта одам, на бирорта образли фикр, на бирорта янги қатнашиб, ўз туғилган жойлари лаҳжасида гапирадилар. Гапирганда ҳам жуда қизиқ қилиб, халқни камситмасдан, беозор кулгу қўзғаб гапирадилар. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, айрим адиблар Бухоро шевасини ишлатганда, Самарқанд ёки Ленинобод (Хўжанд) шеваси билан алмаштириб юборадилар. Устозда эса асло бундай эмас. Масалан, "Меҳробдан чаён"даги Раҳима ва Шариф суҳбатини эсланг. "Шариф" номида охирги "и" унлиси тожикчада чўзиброқ талаффуз қилинади. Шунинг учун ҳам Қодирий буни "Шарийф" шаклида, "Раҳим"ни "Раҳем" деб ишлатган. Бу персонажларнинг тилида тожикча сўзлар қанчалик кўп бўлмасин, уни бошқа халқлар ҳам бемалол тушунаверадилар. Ёки устознинг "Эй, худой урганлар" фельетонида бухоролик, туркистонлик ва хоразмлик уч кишининг ер ислоҳоти тўғрисидаги фикрлари жуда қизиқарли, беғараз тарзда берилади.

Абдулла Қодирий ҳазратлари ўзбек ҳажвиётида характер кулгусини олдинга олиб чиққан новатор адиб сифатида биз учун ниҳоятда қадрлидир.

Абдулла Қодирий жаҳон адабиётидан хабардор бўлгани учун ҳам ўша оламшумул асарлар даражасида ижод қилган ва адабиёт назариясига оид қимматли фикрлар айтган улкан сўз санъаткоридир.

"Бир миллатнинг ҳар бир соҳадаги тутган мавқеи, — деб ёзган эди у, — маданияттаги даражасига, яъни савиясига қараб ҳукм қилинса ҳам, аммо ҳажвиётдаги даражаси бунга қарамайди. Миллатнинг кулгучилик даҳоси аксар ўша қавмнинг интибоҳ тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади..."

"Жаҳон рўмончилигида бешинчи мактаб" ҳисобланмиш Абдулла Қодирий ҳазратларининг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" сингари асарлари у кишининг кулгучилиги, кулгучилик бобидаги фикр ва мулоҳазалари ўзбек адабиётининг ҳозирги ва бундан кейинги қатор авлодлари учун масофа жиҳатидан энг яқин мактаб дастурига айланажак.

Бутун ҳаёти, ижоди, эътиқоди ва иймони билан мустақилликка хизмат қилган буюк адибнинг иккинчи умри бошланди. Бу умр мангуликка даҳлдор. Ўзбек халқи бор экан, унинг Юсуфбек Ҳожидек донишманд оталари, Отабек, Мирзо Анвардек мард, жасур йигитлари, Кумушбибидек вафодор қизжувонлари ва яна... Жулқунбойона беғараз, самимий кулгиси асрлар оша яшайверади.

Мангулик сарҳадидаги иккинчи юз йиллигингиз муборак бўлсин, пири муршид!

Абдулла Қодирий дўстлари даврасида.

Расмни Маҳмуд ЖЎРАЕВ чизган.

Абдулла ҚОДИРИЙ

АДАБИЙ ЎЙЛАР

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Тузилган жумлани ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир.

* * *

Ҳикояни "Серсув" қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумеловнинг бўқаламун эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмай, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумеловнинг ўз сўзи билан қисқа сатрларда кўрсатади қўяди.

* * *

Сатру /Сатира/ турмушдаги етишмаган ва ортиқча ерларни кўз олдимизга маҳкум этиб кўрсатувчи бир ойнадир.

* * *

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар.

* * *

Инсонда ҳусн бўлса-ку, ақл, назокат бўлмаса, у қоғоздан ясалган гулга ўхшайди.

* * *

Ҳамма тил ҳам қўшни тиллардин "қарз" олади. Бусиз иложи йўқ. Асар фақат ўз тилидагина ёзилса ширасиз, қуруқ чиқади. Ёзувчи ўз халқининг тилини, фольклорини камол ўрганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса, яқин қўшни тилларини билиши фазилат. Шундагина тили бойийди , асари жонланади.

* * *

Асар ёзсам, маълум довонгача қийналиб безанглаб бораман. Кейин менда шундай бир завқ пайдо бўладики, асар кечалари тушимга кириб чиқади, уни битирмагунча кўнглим тинчимайди.

* * *

Ҳар бир асарим — бир фарзандим, чироғимдир...

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. "СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ҲИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ! ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

"СОВҒА" лотереясини билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.
"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | "ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом НІОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.20. Г — 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Қурбон АЛИ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.